

НУРИДИН
ЎКТАМ



- ◆ Қасида
- ◆ Ғазаллар
- ◆ Мустазодлар
- ◆ Мураббаълар
- ◆ Мухаммаслар
- ◆ Мусаббаъ
- ◆ Рубойилар
- ◆ Шеърлар

“НАМАНГАН” НАШРИЕТИ
2003

84(54) 6-3



Нуриддин **ЎКТАМ** 1959 йилда Наманганнинг Шўркўрғон қишлоғида дунёга келди. 1981 йилда Андижон пахтачилик институтини битирган, касби инженер-механик.

Хўжалик, жамоат ва давлат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Ҳозирда Наманган туман “Маънавият ва маърифат” Кенгашининг масъул котиби вазифасида фаолият кўрсатмоқда, туман кенгаши депутаты.

Оталари — кекса ғазалхон, “Наманганнома” дostonининг муаллифи Уктам МИРЗО, опалари — Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, ғазалнавис шoира Санoбар БОБОНАЗАРОВА каби Нуриддин ҳам адабиётдек муқаддас даргоҳга яхши ниятлар билан қадам босган, ўз ўқувчиларини топишга улгурган захматкаш ижодкор.

Шoир асарларини ўқир экансиз, уларда ўзи “Машраб бувам”, дея мудом ардоқлаб юргувчи буюк юртдошимиз ғазаллари руҳи кезиб юргандай бўлади.

Муҳтарам китобхон ҳам “Пайванди жоним келдилар” китобини ўқигач, бунга иймон келтириши шубҳасиздир.



Ю30736
2

НГ 360-530,5-538850 2003 й.
361-5,25-(09)03

© Н. Ўктам. “Наманган” нашриёти.

20.04 A6232	Alisher Navoiy nomidida O'zbekiston
----------------	---

W

ДЕБОЧА

(Каламга)

Эй қалам, қалб дафтарига
Тоза имонимни ёз,
Бирлигига жо бўлурга
Неки имконимни ёз.

Ташна лаб саҳросида
Кўнгул учун ўлсам не тонг,
Минг ўлиб, минг бор тирилган
Дилда тугёнимни ёз.

Ҳар саҳар бедору хуммор
Шаҳду шаккар илкида
Қўл қадоғидин дур унган
танги деҳқонимни ёз.

Битта япроқча зикр қил,
Лоақал юрт малҳини,
Гул Намангон атрини-ю
Ўзбекистонимни ёз.

Куйлагил ишқ васфиниким,
Гоҳи қондин ранг олиб,
Жоними тахтига султон
Ёру жононимни ёз.

Ўзганинг Лутфий, Навоий
Сўзга тизган гавҳари
Шодаси олдида шабнам
Бўлса хуш онимни ёз.

Рост ёзгил Машрабингдек,
Эй алифқомат санам,
Мубтало бўлдим Нуриддин,
Неки имконимни ёз.



ЎЗБЕКИСТОН

Қасида

Ўзбекистон саждагоҳим, ҳур чаманзорим менинг,
Ҳар куни кучсам сени муштоқи дийдорим менинг,
Кўзларимнинг тўтиёси, чашму узорим менинг,
Мадҳ этарман, йўқ қиёси севгили ёрим менинг,
Кўз очиб кўрган диёрим, онаи зорим менинг.

Шош, Бухоро, Хоразм, қай гўшанинг тархин чизай,
Андижон, Фарғона, Кешнинг тарихин зардин тизай,
Жиззаху Сурхон, Намангон, боғу бўстонинг кезай,
Зийнати Афросиёбдин жумла оламни безай,
Турфа гуллардан безанган гулла, гулзорим менинг.

Боши узра нур ёғилган жаннатул маъло ватан,
Кун талашган анбарафшон, шаққаристон ўлкасан,
Кўрмаган армонда, бир кўрганлари шайдо чаман
Ҳақ назаргоҳдур, эгамнинг кўшиқда пайдомусан?
Беназир ошён, ипак йўлли макон, борим менинг.

Мағрибу Машриқни тутдинг гоҳи Фарғоний бўлиб,
Еру кўкни қуршадинг Ал-Маъмур урфоли бўлиб,
Гоҳ Жалолиддин, Темур, гоҳ Бобур уммони бўлиб,
То Навоий сочди ганж дунёга "Маоний" бўлиб,
Катта имкон, ложувард қуш, қутлуғ ашъорим менинг.

Равзан поки муқаддас шавкатим, шоним ўзинг,
Ясаявий, Куброю Машраб, дилда туғёним ўзинг,
Неча комил руҳи кезган чашми гирёним ўзинг,
Сир, Амусан, ҳар томирда жўш урар қоним ўзинг,
Ўзбекистон ифтихорим, номусу орим менинг,

Дилга солдинг ҳайрату этдинг муҳаббатни ато,
Бир назар бирланки юртим айладинг жаннатнамо,
Минг шукр қилгил Нуриддин, нур сочар қодир худо,
Меҳрибоним сен ўзингсан муддаодан муддао,
Ўн саккиз минг олам ичра ганжи асрорим менинг.

* * *





ҒАЗАЛЛАР



* * *

Англадим, сўз охири ишқидин огоҳ этти ёр,
Оҳим аршга етти-ю ишқ уйини ёрутти ёр.

Ҳажрида минг бора куймоқ одат ўлган кимсага
Биргина сўз қотти-ю ишқ ўтини қўзғотти ёр.

Тонг саҳар чоғи эди ширин висол они бу чоқ
Ой юзин беркитти, лек дилда меҳр уйғотти ёр.

Сочидан олди қўлим, ҳай-ҳай қаён тушти йўлим,
Тунни кундуз ютти-ю кундай жаҳонни тутти ёр.

Кунки, ул кун нуридан гулдек очилди гунча лаб,
Ғунчасига битти-ю шабнам кибби сийитти ёр.

Парда қилди зулфини мен зорини айлаб ниҳон,
Очтиму кўз мушқидин ризвонга олиб кетти ёр.

Эй, Нуриддин, зарраси ҳажрида сендек гардини
Чектириб оҳ, оҳири васлидин огоҳ этти ёр.

* * *

Учради ногоҳ менга гул юзли дилдорим яна,
Кўзларим йўлида тўрт қилғон мани ёрим яна.

Келмоғин ваъда қилиб эрди дилимни шод этиб,
Оллоҳ-оллоҳ, учди бошдин эсу ҳуш, борим яна.

Жилваланди зарра тупроқ, зарра япроқ кун мисол
Ногаҳон ўтгач кўчамдин ошиқу зорим яна.

Солмайин бир дам назар ўтмоқни этди ихтиёр
Дилбару дилкаш, париваш, кўзи хумморим яна.

Ёқди ҳижрон ўтини воҳ, бир қиё боқмай дағи
Фунча хандон, анбарафшон, кунда даркорим яна.

Ким Нуриддин, баски ўлдум мубтало ул ёрга,
На қилурман қилса жилва шоҳу тигдорим яна.

* * *

Етар, жонимдан ўтди энди бас қил,
Нигоро юз қўришмакдин ҳавас қил.

Йўқ ўлсам не ажаб тен чиққанингда,
Ки соянг беркитиб сиррингни рост қил.

Бўлуб пайдо минг бор куйдир ўтингда
Бир бор юз кўрсатиб Ийсонафас қил.

Қаро зулфингла чулғаб зор жисмим
Танамга жон кирит, руҳимни маст қил.

Такаллум айласанг тоғлар тўкар ёш
Меҳр-ла бир сўз ўлсин, майли, сас қил:

Висолингдан этарсан бенасиб гар
Бу оламни Нуриддинга қафас қил.



* * *

Борурман, деб эдингиз, эй, лаби хандон келармусиз,
Ки эҳсону шафоатга фидодур жон келармусиз.

Мунаввар кулбаму тоғдур кўнгул ҳам яшнагай ҳатто,
Қилурга лутфингиз бирла мани меҳмон, келармусиз.

Парирўйим хуморингиз дилим афтодалар қилмай
Бугун қадрим бу ердан гоҳ қилиб осмон, келармусиз.

Муаттар ҳид таралмиш пойингиздан гул Намангонда,
Қадам ранжида айлаб боғ аро боғбон келармусиз.

Нестай, ожиз қалам ишқи Зулайҳо зикрига ё раб,
Гўзаллик оламига Юсуфи Канъон келармусиз.

Ҳазорон ҳажр аро бир он топиб имкон Нуриддинга
Боқиб шодон яна амр этгали ҳоқон келармусиз.

* * *

Шўху шамшодим бу дам ҳөли паришон ўлтирур,
Билмайин қилдим ситам ул қадди ларзон ўлтирур.

Турсаму бўйига зор, остонадан боқсам хумор,
Мен ўзим девонавор, ёр лолу ҳайрон ўлтирур.

Кел, деди аста боқиб, ял-ял ёниб, дилни ёқиб,
Гоҳида қаҳру ғазаб, гоҳида хушхон ўлтирур.

Жилва қилди маҳлиқо кулбамни айлаб пурзиё,
Ҳосил ўлди муддао, хур бирла гилмон ўлтирур.

Ўзни гилмон демайин, ё раб, мани авф айлагил,
Васлини кўп кўрмагил, ваҳ, еру осмон ўлтирур.

Бундан ортиқ борму бахт, сенга Нуриддин тожу тахт,
Ошиғингга қилдинг аҳд, қошингда шул он ўлтирур.

* * *

Кечир дилдор, дилозорлик қилиб билдим жудолиғни,
Юзингни кўрсатиб ўддир, бажо айлай адолиғни.

Жудолиғ ончаким, бир лаҳзада жон халқума етти,
Тиқиб пойингга кўз сендан тилармен рўшнолиғни.

Булут ўткинчидур, емғир ҳаёт бахш айлағай охир,
Парирўй, моҳ каби касб эт ўзингга ошнолиғни.

Жамолинг парлавидин шоҳ эдим айру гадо бўлдим,
Бу сирдан беҳабарлар на билур шоҳу гадолиғни.

Кел, эй жоним, бу ўт ичра мани қўйма аросатда,
Ики олам аро кўнгил тусар кайфу сафолиғни.

Висолинг лаззатидин бенасиб этма Нуриддинни,
Чу бўйнимга илиб келдим яна қанча хатолиғни.

* * *

Сенла бұлсам қаҳратон қиш қаҳри ёз,
Кўрмасам дўзах ўти менга аёз.

Йўқ иложим юз кўришмоқ эҳтиёж,
Бандаи зорингга қил ажру ниёз.

Мен навоман, сен баёзим, қайда соз,
Айрилиқ бағримни ўртаг дилнавоз.

Жон тасаддуқ, бир кўрай кўнглимни ёз,
Тан поёндоз, ҳол сўраб бер имтиёз.

Бир қулингман, қайдасан эй сарвиноз,
Йўқласанг гар давлатинг бўлғайму оз?

Бас Нуриддин, ошди-ку ҳаддинг бироз,
Ёринг излаб ич шароб, қуч жойнамоз.



* * *

Эй санам, ишқингда ўлдирма мани,
Ўт ёқиб жонимга, куйдирма мани.

Ноз ила қаддимни дол этма етар,
Ҳол сўраб, кўксимни тўлдирма мани.

Навнихолсан бир гули очилмаган
Яшнагил сен, эмди суйдирма мани.

Синди бардош бермайин дош тоқатим,
Халқума жон етти, тўйдирма мани.

Ғамза бирла гоҳи ақлим олмагил,
Май суниб бағримни ёндирма мани.

Ёна-ёна бўлди кулким бу таним,
Қўрни излаб, баски, тўздирма мани...

Оч кўзинг, эрмас хаёл ёринг келур,
Эй фалак, хобимда бездирма мани.

Ғофил уйқу, кет Нуриддин кўзидин,
Бирдир аҳдим, йўлдан оздирма мани.

* * *

Мен бу кун хуррам эрурман, сен нечун тўлғонасан?
Барча куркам, барча шодон ўт каби сен ёнасан?

Лола янглиғ қип-қизил гулдек ловуллаб боқасан,
Қайғум олган бодадурсан, лаблари майхонасан.

Неки бор дунёда ширин барчадин аълосисан,
Ҳар сўзи қанду асалсан, оташи сўзонасан.

Лаълу ёқут, гавҳаримсан, Кўҳинурдан шодасан,
Бесамар тиллою маржон, тишлари дурдонасан.

Боғи Эрам недур улким, гул Намангон кўркисан,
Даҳраро гуллар тумори, маҳваши яқдонасан.

Андалибинг хонишисан, сен ўзинг хушхонасан,
Хур, пари пайкар ўзингсан, жаннати ризвонасан.

Ишқ гуноҳму кўшки мужгонингдан ўқлар отасан,
Ишва бирла жон олурсан, кўзлари мастонасан.

Ваҳки, ёндим оташингда, қилма пора-пора сан,
Танда жон ҳамхонадурман, бергил ором жона сан.

Теграда овворадурман, куйдириб ҳайронасан,
Бу не бахтким, эй Нуриддин, бир даме парвонасан.

* * *

Нечун кўнглим олиб ҳамхона қилдинг,
Юзингни беркитиб вайрона қилдинг?

Дебон, то танда жон паймона қилдинг,
Кўрарга зор этиб сарсона қилдинг.

Ёноғинг кишвари офтобидур ишқ,
Сочингни шомида пинхона қилдинг.

Қошинг ёйи аро кўздан ясаб жом,
Қарочиғ устида майхона қилдинг.

Дудоғинг тоғидан гар бода суздинг,
Тилинг қўрғонида дурдона қилдинг.

Эсиб ел дилкушо юз очдинг охир,
Қоронғу кулбани нурхона қилдинг.

Сув ичди дил, шукр, атрингдан эй гул,
Нуриддинни тамом девона қилдинг.

★ ★ ★

Нигорим пойида йиглаб, изин урсам биҳамдуллоҳ,
Қалам қошига талпинсам гопарманму сени оллоҳ?

Эшикларда гадо бўлсам, фироқида адо бўлсам,
Юзига термулиб ўлсам шафоат қил расулиллоҳ.

Бу тун бедастино бўлдим, ки ҳамроҳи Исо бўлдим,
Сулаймонга асо бўлдим, висолип тонмадим, эвоҳ.

Вужудим куз бўлиб енса, қонимдан гуллари қонса,
Агар намруллари тонса, тутарму қўл Ҳалилиллоҳ.

Ибодат айласам ера, тараҳҳум қилмади зора,
Юрак-бағрим шикаст-пора, маниндек бўлмасун гумроҳ.

Шуридин, саждага тоҳ-тоҳ топинсанг бир ўзи огоҳ,
Чекибсан кўн наломат, оҳ, кўринмас ўзгаси биллоҳ.



* * *

Қўйибман саждага бош, талпиниб сендан хабар топсам,
Висол нашъу намосин сипқориб сендан хабар топсам.

Севинчим ҳам ўтинчим, нуктадоним ҳам қувончим сен,
Суянчим ҳам юпанчим, тўлғониб сендан хабар топсам.

Узинг чашми хуморим, интизорим, меҳрибон ёрим,
Билар аҳволи зорим, ўрганиб сендан хабар топсам.

Сигар қалбимга дунё, кўрмасам кўнглимга қил сиғмас,
Тўлар кўксимга завқим, чулғониб сендан хабар топсам.

Тўкилмишдир гуноҳим сен билан бўлганда, эй моҳим,
Аён қилди илоҳим, уйғониб сендан хабар топсам.

Кеча топмай иложин қиймаланди ҳажрида жоним,
Етарму кўкка оҳим зорланиб сендан хабар топсам.

Нуриддин тоатига ул санам ишқин мақом этдинг,
Бу оқшом васлига ё раб, етиб сендан хабар топсам.

* * *

Висолинг зорида жон нақдидин менга ҳимоят йўқ,
Сенингсиз чун омонат йўқ, карам йўқтур, ҳидоят йўқ.

Менингдек қақраган хасда сабот йўқтур, нажот сенсиз,
Бу дардимга вале сенсиз даво йўқтур, шафоат йўқ.

Сен деб ўтсам оламдин, сени ишқингга жо бўлсам,
Шудир менга мурувват, шафқатингга ҳеч ниҳоят йўқ.

Сени дер, барча эй дилдор, сени исминг этар такрор,
Сени васлинг саодат, ишқ элига бошқа ҳожат йўқ.

Шаробингдан яна бисёр ичай дерман, ичолмайман,
Сенингсиз масту мустағрақ Нуриддинга кифоят йўқ.



* * *

Кўнгул синди аламлардин мени кўрмоғлиги борму?
Қошимда ўлтириб бир бор кўнгул сўрмоғлиги борму?

Олиб сабру қароримни, инону ихтиёримни,
Этиб аб'ор ҳалойиққа юзин бурмоғлиги борму?

Эзилган устухонимни оёғи остига отсам,
Тилиб мужгон ўқи бирла, босиб ўтмоғлиги борму?

Соғинчдан дийдалар гирён, ўзим девонаю бежон,
Маломат лойиға ботсам, кулиб турмоғлиги борму?

Агар ишқ аҳлига султон ўлиб отса суяқларни
Кемиб мендек гадои ишқ, давр сурмоғлиги борму?

Кўзимни изига суртиб, тавофлар қилсаму ўлсам,
Зиёрат этгали хоқимни ёр келмоғлиги борму?

Нуриддин, ишқидин охир юракда бир нақш қолди,
Қиёмат субҳида кўксингга бош урмоғлиги борму?

* * *

Ваъдалар бирлан гузал шўҳи жаҳоним келдилар,
Сўзлари қанду асал ширин забоним келдилар.

Биз каби Мажнун сари, нозик адолар сарвари,
Кўнглимизнинг дилбари, оромижоним келдилар.

Лаълидин бергучи жон ташна юракка жовидон,
Олғил - эй, икки жаҳон садқа бу жоним, келдилар.

Богадин сунсам деди: "Шул мендин ортуғми эди?"
Мен дедим: "Бу ишк аро хуш меҳрибоним келдилар."

Саҳфаи девониға, лавҳу қалам султониға,
Минг шукр ҳар ониға оташ сўзоним келдилар.

Эй Нуриддин, бода ич, сарвиравон ёрингни қуч,
Бори ғам-андуҳни кеч, пайванди жоним келдилар.



* * *

Йўқламас ул, бас, оёғинг тўзганига арзимас,
Келмади бир бора, кўнглинг бузганига арзимас.

Туну кун қилсанг муножот васлига зор айласа,
Шиша кўнглинг кўйида байт битганига арзимас.

Меҳрибонлик ортидан миннат ошин тутса мудом,
Фурқатида тола сочинг тўзганига арзимас.

Жон фидо этсанг, қонингга тўймаса минг бор ичиб,
Нозлари сендек сўқирнинг кўз намига арзимас.

Тоатингга бахш этиб ўзни илоҳин топмаса,
Дийдалар гирён ўлуб, ёш тизганига арзимас.

Гар висол тонги қадар сўзонага нақш бўлмасанг,
Қалбу қолаб аҳду паймон тузганига арзимас.

Бори умринг шоҳ ўтиб, сен қанча даврон сурмағил,
Эй Нуриддин, васл шоҳин бир дамига арзимас.



Кулбама келгач жилосин ёғдириб ул маҳлиқо
Нурга кўмди мубталони, ҳосил ўлди муддао.

Не жилоким кўз қамашди, руҳу жон тандин жудо,
Тарс ёрилди қалб қувончдин, руҳим аршга етдило.

Не адо руҳ жисму жондин, барчасин этди асир,
Мубтало кўнглимни банд, боштин оёқни истило.

Ким хувайдо бўлгач охир кетди мазҳаб, кетди дин,
Айт, илоҳий ишқ макони шулмиди, ё Мустафо?

Бу не ишқким, тоатимга гулхани бўлди макон,
Ёндиму оташда аслим дарду ғамдин мосуво.

Оташи гулзорига хоки таним гард айласам,
Во ажаб, оғушда гардни анбарафшон этдило.

Эй Нуриддин, қил сабр, ҳажр аччиғу тундек қаро,
Оқибат васл тонги отгай, сабри кимё қилдило.

* * *

Дилраболик айла, эй гул, сочинг ўйноғим келур,
Тишлари дур, сочи сунбул, сочинг ўйноғим келур.

Не ажабким, жаннати маъво ҳидин туйдим бу кун,
Аршнинг айвонида кўнгул, сочинг ўйноғим келур.

Бу не ҳайрат, не каромат саллонодур зулфу зар,
Нуни кокил хат битар ул, сочинг ўйноғим келур.

Оҳким, бу сочинг ўйнаб ўрта йўлда қолдим-о,
Йўл то'лолмай, шулмиди йўл, сочинг ўйноғим келур.

Рози дил, дор айла сочинг маҳраминга бир келиб,
Оташингда бўлдим кул, сочинг ўйноғим келур.

Офати жоним ўзидур, англадим бу тун Масиҳ
Тиргизурсен, ўлмаган қул, сочинг ўйноғим келур.

Эй Нуриддин, чалғима анбар ҳидига маст ўлуб,
Десалар, жаннат сенга, шул сочинг ўйноғим келур.

* * *

Битта ашъорингга арзир эрса диллар шоддур,
Бир ғазал бирла вале кўнгул уйи ободдур.

Ошкоро ўлса майли махраминг сирри бу дам,
Сен бору мен ёр сенгаким, куйган ул агёрдур.

Изтироблар ўтида хасдек туташса сийму тан,
Тўзғисун кулдек, не ғам, руҳ куйида бунёддур.

Масту мустағрақ бўлубман ташна лаб саҳросида,
Чашмаи зоринг сароби малҳами гулобдур.

Барча хошиш ҳам кушойиш бир ўзингдан раббано,
Васлин излаб кечалар ашким дағи селобдур.

Эй Нуриддин, сун қадаҳким ишқининг селобидан,
Силқориб ет сояи аршига ким дил шоддур.

Битта ашъорингга арзир эрса олам шоддур,
Бир калима дилга солсанг якки уй ободдур.

* * *

Қадах сунгил, ки эй дўст, то абад ёдда қолар бўлсин,
Фироқда ўртаниб куйган юракка ўт қалар бўлсин.

У ойнанинг жилвасин эслаб туну кун менда ором йўқ,
Бу майнинг тафтида зора таним ором олар бўлсин.

Ёруғ дунёни излаб ўхшашини топмадим ҳаргиз,
Кетир соқий, кўзим жомдан унинг аксин топар бўлсин.

Йўлида интизорман, эй фалак васлига еткургил,
Бу кун бормоқ бўларман, қалб қувончларга тўлар бўлсин.

Будир охиргиси, сунгил яна қайғу йироқ кетсун,
Бутун меҳру муҳаббатлар танимда кўзгалар бўлсин.

Нуриддин, чекма ранж, қилган эди ваъда қуруқ бўлди,
Умидинг узма, гарчи сенга юз минг ваъдалар бўлсин.



* * *

Киприк ўқини қош ёйидин отма, қаро кўз,
Қошинг чимириб дилни яро этма, қаро кўз.

Минг тоат ўлур кунпаякун бир қарашингдан,
Ваҳ-ваҳки, кўзинг кўзга тушиб кетма, қаро кўз.

Мен ҳастага ўқ ёмғиридан қолмади маъни,
Шод чақна мудом, ғуссага ҳеч ботма қаро кўз.

Чўлпон бу кўзинг офатиму бандига олган?
Тун парда тўшаб, кунни ниқоб этма, қаро кўз

Дилбар боқошинг бунча гўзал, бунча иболи,
Ҳай-ҳай дағи ўсмою хино тортма, қаро кўз.

Сенсан-ку, Нуриддинни тамом йўлдан аюрган,
Жодулаб ўзинг, менга гуноҳ ортма, қаро кўз.



* * *

Келибман остонанга, бу ердан кетмоғим мушкул,
Бўлибман ошиқу шайдо сени тарк этмоғим мушкул.

Жамолинга боқиб эй моҳ, кўнгуллар яйрагай оҳ-оҳ,
Таралди "Дугоҳ"у "Сегоҳ", Намангон етмоғим мушкул.

Ҳама ёшу қари бунда, нетонг ҳуру пари бунда,
Малриқлар бари бунда, вале май тотмоғим мушкул.

Улуғлар халқи меҳмонни, улашгайлар ширин онни,
Мунингдек боғу бўстонни жаҳонда топмоғим мушкул.

Ёнимдан ўтди бир дилбар, сочи анбар, тиши гавҳар,
Тўкилди лафзидин шаккар, топиб сўз қотмоғим мушкул.

Безар Саъдийни "Бўстон"и, ки Чустий назмида шони*,
Намангон шаққаристони сенга шеър битмоғим мушкул.

Борарда Шош ила Ҳўқанд, йўлимда жонима пайванд,
Бу йўлдан тотмайин бир қанд, Нуриддин ўтмоғим мушкул.

Чуст боғи, 2002 й.

*— "Бўстон"ни форсийдан Чустий тўржумасига ишора

Куйиб-пишма юрак, бас қил, сабабсиз оқибат бўлмас,
Кимики бўлмаса ошиқ эшиқда мисли ит бўлмас.

Вафони кўргазуб ёнса, туну кунлар ютиб қонлар,
Ўлар чоғи итининг қадрини ҳар ким билар, билмас.

Висоли ҳажрида остоналарга бошини урса,
Вале номаҳрами олдида кўзига илар, илмас.

Ки босган изларини кўзларига тўтиё айлаб,
Йўлида жон фидо қилса, бу пандлар ҳеч сабоғ ўлмас.

Наҳот мен нотавони кулбасига сигмадим ҳаргиз,
Вафолиғ ёр эса ошиғни бағрин бунчалар тилмас.

Улуғликка даъво этма, анинг олдида бир итсан,
Агар уй тўрига чиқсанг, санам кўнгуллари тўлмас.

Нуриддин, қавми фозилсан, эшак базмин ҳавас қилма,
Садоқат бирла "ху" торт, ит эшакнинг нағмасин қилмас.

Фироқи зорида ўлмак саодат,
Ситамгар ханжари жонимга роҳат.

Киму мен ўпкалай, зор айласа ёр,
Ани суймак ўзи авжи фароғат.

Надомат, оҳ нечун сарв қоматига,
Нихолининг хаёли қадду қомат.

Шароб тутган эди кўз косасида,
Ҳануз девонаман, ул кўзи офат.

Дағи мужгон ўқи айни даромад,
Мане бечорага ёғса маломат.

Маломат ўқидин қалбим яроси
Битиб, эм бўлмиш, оҳ, бу не каромат?

Лаб атри кетмағай ҳаргиз димоғдин,
Юзининг жилваси танга ҳарорат.


Қалам қоши-ла хобда кокили нун,
Ки ёзмиш менга мактуби саломат: —

Демиш, ишқ йўлида қурбонлиғ этгай,
Нуриддин, жон дебон топшир омонат.

23 август 2003 й.



МУСТАЗОДЛАР



* * *

Савдога солиб ноз ила кўз сузди таммано,
Бўлдум анга шайдо,
Билмам элини ҳурмиди ул маҳваши зебо,
Чарҳ узра ҳувайдо.

Чун ерни босиб қўйди қадам, айлади ҳуррам,
Эс оғди ламодам,
Осмониға ё ақлим олиб кеттиму танҳо,
Зухромиди, Лайло?

Елдим югуриб юзини бир бора кўрай деб,
Меҳрига тўйиб деб,
Бағримни тилиб ҳолима ҳеч қилмади парво,
Раҳм айла илоҳо.

Сўз қоттим анга: "Ўнг кўз ила боқ менга жонон,
Садқа сенга бу жон".
"Чап кўзга яқиндур юрагим", - дер гули раъно,
Мен булбули гўё.

Ногоҳ кўтариб пардани юз очди нигорон,
Эл бўлди чарогон,
Бир жилва била ишқ уйида бошлади ғавго,
Дил мулкида пайдо.

Фағҳ этди Нуриддин сени ул кўзлари шаҳло,
Ҳай-ҳай тили бурро,
То айлади ақлингни расо ҳам ўзига жо,
Бу тақдири оллоҳ.

* * *

Бир боқиш ила кунни самодан туширарму,
Ким шамси жаҳоним?
Ё жилвасига чулғаши минг сир яширарму,
Оҳ, сирри ниҳоним.

Соч тўлғониши дардида ўтларга ёқарсан,
Ҳаргиз хабаринг йўқ,
Тугёнга солиб силкиниши шўхи шарарму,
Ё, офати жоним?!

Гоҳ-гоҳида бир парда тўшаб телба қилодур,
Ҳажрида куярман,
Ойдек тўлиши ишқида меҳрим оширарму,
Ул моҳи тобоним.

Сўз қотишидан булбулига дарслар ўқитти,
Гул гунчаси хандон,
Тонг пайтида ишқида шаробдек тоширарму,
Кел, дилбари жоним.

Қош қоқиш ила кўксима ўқ ёмғирин отди,
Ул қоши қамоним,
Мўлжалга олиб забт этиши хўп шоширарму,
Вой, шишаи жоним!

Сойдай оқиши ташна дилим малҳами гўё,
Оҳ, оби равоним.
Бир қонишига хаста Нуриддин бош урарму,
Ол, жону жаҳоним!



МУРАББАЪЛАР





* * *

Сенга термултали ҳаддим сиғарму?
Кўзингга боққали ҳаддим сиғарму?
Кўлингдан туттали ҳаддим сиғарму?
Куйиб кул бўлгали ҳаддим сиғарму?

Деб эрдинг бир маҳал: "Қил-қилча шафқат,
Қилиб лутф ошиғингга айла ҳиммат",
Ўзинг-ку ишқаро шоҳи мурувват,
Сенга лутф эттали ҳаддим сиғарму?

Севикли дилбарим, созим ўзингсан,
Ҳақиқат қилгувчи қозим ўзингсан,
Мудом сақлагувчи розим ўзингсан,
Яна роз айтгали ҳаддим сиғарму?

Оёғинг остида гардинг бўлойин,
Изн бер, корингу дардинг олойин,
Фақат юз бурмагил, сенла қолойин,
Сенга кул бўлгали ҳаддим сиғарму?

Лабингни болидан бир қатра тотдим,
Мисоли май тўла денгизга ботдим,
Шу боис жонгинам эс-хуш йўқотдим,
Яна май тотгали ҳаддим сиғарму?

Нигоро, сўзларим жонингга тегмиш,
Билолмам, не гуноҳ бизлардан ўтмиш,
Нуриддин, жон суви ишқдин яралмиш,
Суйиб бир, ўлгали ҳаддим сиғарму?

* * *

Айрилиқлар жондан ўтди,
Нолаларим кўкни тутди,
Юракларим оқиб кетди,
Сизни кутдим келасиз деб.

Сиз меҳрибон, мен бир ёмон,
Шўҳи замон борму имкон,
Садқа бу жон икки жаҳон
Лутф айлабон келасиз деб.

Дил эътибор, йўқ ихтиёр
Лолазор, асал гуфтор.
Ўзим хуштор чин гирифтор
Бўлиб бедор келасиз деб.

Кўзда ашким селоб бўлди,
Кутиб ҳолим ҳароб бўлди,
Тугёнларим сароб бўлди,
Сероб бўлди, келасиз деб.

Пойингизга сажда қилай,
Эгма қошга банда бўлай,
Канда қилмай сизни тилай,
Сизни тилай, келасиз деб.

Фалакдан бир садо келди,
Фидо бўл, деб нидо келди,
Бажога муддао келди,
То мустажо келасиз деб.

* * *

Йўқламоққа бизни дилдор келдилар,
Лаъли шаккар, шўхи гуфтор келдилар,
Чашми хуммор, бўйига зор келдилар,
Чин гирифтор, номусу ор келдилар.

Ҳижолатдин барқ уродур юзлари,
Оташидин ўт солодур сўзлари,
Марғилонга зеб бўлибдур ўзлари,
Мисли гулзор, лолаузор келдилар.

Тутсалар чой қўлларидан найлайн,
Юзланайму юзларига, суйлайн?
Иштибоҳим не қилай, не айлайн?
Ошику зор, дилда не бор келдилар.

Сочга мушкмас, мақдамига гард бўлай,
Эй илоҳо, ишқ элига дард бўлай,
Сенга етмак йўлида бир шарт бўлай,
Ганжи асрор, мулки дийдор келдилар.

Васл шоҳи ошиғингни қўллагил,
Маст ўлубман, тўғри йўлга йўллагил,
Расволиғим ҳеч гуноҳга йўймагил,
Мен қулингга ҳур чаманзор келдилар.

Васлига етказганинг ҳур ичра ҳур,
Қошида ўтқазганинг қалбимга нур,
Соҳиби лавҳу қаламга минг шукур,
Назм этарга қутлуғ ашъор келдилар.

Меҳрибоним, ёзиғим ёзган ўзинг,
Не синоат билгану тузган ўзинг,
Эй Нуриддин, ишқида тўзган ўзинг,
Бори жаннат эргашиб ёр келдилар.



A decorative border with a repeating geometric pattern surrounds the entire page.A large, ornate circular frame with intricate floral and geometric patterns surrounds the title.

МУХАММАСЛАР





* * *

Эй, менинг оромижон, дилхуш забоним қайдасан?
Куйида оввора қилгон ёри жоним қайдасан?
Ёшурун дардимни олгон меҳрибоним қайдасан?
Кўзлари хун, қах-қахи дурру жаҳоним қайдасан?
Бир сўзинг шайдосиман, эй нуктадоним қайдасан?

Тун қаро бўлди, забун ҳолим висолинг бенасиб,
Ошкоро бўлдим элга, ой жамолинг бенасиб,
Оташинг куйдирди жисмим, ошснинг бенасиб,
Ошснинг қайдадур, билмам маконинг бенасиб,
Жо этурга жисму жон оташ сўзоним қайдасан?

Лутф айла ҳолима, сўзинг гадоси мен бу кун,
Қил карамким ошиғим, кўзинг гадоси мен бу кун,
Ой ёноғинг ҳажрида юзинг гадоси мен бу кун,
Изларинг сурмо этиб, изинг гадоси мен бу кун,
Шайх Санъон хобидек руҳи равоним қайдасан?

Бобуриинг бўлғум чекарға ким Ҳумоюн дардини,
Ишқида қилгон адо ул моҳитобон дардини,
Жон олурга бер менга ашъори даврон дардини,
Жоним олсин, рози дил ул офатижон дардини,
Дардидин ўлдум адо сирри ниҳоним қайдасан?

Кокилинг анбар ҳиди сармаст этиб олғучи жон,
Гул Намангон узра мушкинг сочилибдур жовидон,
Булбулинг нолон уриб гамзангдин ўлди заъфарон,
Эй Нуриддин, зоҳир ўлдинг, ботининг эрмас аён,
Боғла дилни, чоғлағучи ҳур маконим қайдасан?

* * *

Юзинг меҳробига шайдо кўнгулда сабру тоқат йўқ,
Ўшал рўзеки май ичмақдин ўзга танда роҳат йўқ,
Нетай, тун кечалар васлинг тилаб дилда ҳаловат йўқ,
Висолинг зорида жон нақдидин менга ҳимоят йўқ,
Сенингсиз чун омонат йўқ, карам йўқтур, ҳидоят йўқ.

Кулингга марҳамат қил, ишқ элига шоҳ ўзинг тенгсиз,
Кўкаргайму бирор барг танга қувват бермаса илдиэ,
Йўлингга ташнадурман томчига зор этма, эй денгиз,
Менингдек қақраган хасда сабот йўқтур, нажот сенсиз,
Бу дардимга вале сенсиз даво йўқтур, шафоат йўқ.

Умед улдулки, сен қай ерда бўлсанг мустажо бўлсам,
Кўйингда мубтало бўлсам, ки амрингга бажо бўлсам,
Буюр, ҳажринг ўқига интизори Карбало бўлсам,
Сени деб ўтсам оламдин, сени ишқингга жо бўлсам,
Шудир менга мурувват, шафқатингга ҳеч ниҳоят йўқ.

Бу йўлда хоҳ мусулмон бўл ва ёки боғлагил зуннор,
Кезиб дашту биёбон хоҳ тикондин чекмагил озор,
Чин ошиқ ўлмасанг гул гунчаси сир очмагай зинҳор,
Сени дер, барча эй дилдор, сени исминг этар такрор,
Сени васлинг саодат, ишқ элига бошқа ҳожат йўқ.

Сени деб ҳамма коримдан кечай дерман, кечолмайман,
Кечибор остонангни кучай дерман, кучолмайман,
Тугунлар, бори бандларни ечай дерман, ечолмайман,
Шаробингдан яна бисёр ичай дерман, ичолмайман,
Сенингсиз масту мустағрақ Нуриддинга кифоят йўқ.

* * *

Айтингчи ким ўтғонида қиёлади,
Икки зулфи юргонида чулғонади?
Менга қараб турғонида уёлади,
Кўзим ёрни кўргонида қувонади,
Сал кўрмасам дил ёнади, тўлғонади.

Наргис кўзлар шунчалар ҳам шўҳ боқарму?
Қилиқлари ташна дилга ўт ёқарму?
Намангоннинг сойи бўлиб ёр оқарму?
Кўзим ёрни кўргонида қувонади,
Сал кўрмасам дил ёнади, тўлғонади.

Бугун яна кутолмади, кетолмадим,
Дил арзини этай дедим, этолмадим,
Кетай, десам манзилимга етолмадим,
Кўзим ёрни кўргонида қувонади,
Сал кўрмасам дил ёнади, тўлғонади.

Суймагандим суйдирди ёр, тўйдирди ёр,
Ҳижронлари ёндирди ёр, куйдирди ёр,
Бунчалар ҳам қадрин бугун билдирди ёр,
Кўзим ёрни кўргонида қувонади,
Сал кўрмасам дил ёнади, тўлғонади.

Кўчасида сарғайганим билармикан,
Фанимларим кўрса ҳолим кулармикан,
Бир кун эмас, бир кун кўзга илармикан,
Нуриддинни қачон кўриб қувонади,
Шуни ўйлаб дил ёнади, тўлғонади.

* * *

Тиқибман йўлига кўзни ўшал дилдор келурму деб,
Диловар, дилқуно, лобар, шакаргуфтор келурму деб,
Мани оввора қилган ошигим бедор келурму деб,
Баҳор ёзди поёндоз сарви хушрафтор келурму деб,
Иштифот кўрсатиб ёра санам такрор келурму деб.

Агир сочган дудоғу ой каби юзини айтайму?
Тамом музни эритган оташин сўзини айтайму?
Чу қалбим торини чертган сарафрозини айтайму?
Ва ё ишқ буржида ёнган қаро кўзини айтайму?
Қиларман васфини то танда жон, бисёр келурму деб.

Аё дўстлар, не кун бу, қай куни ул ошино бўлди?
Битмаган қоримниму озоридин гамзудо бўлди?
Етмаган бир лаҳза онимму ёра муддао бўлди?
Нечун кўнглим олиб аввал, вафодор пуржафо бўлди?
Кутарман, бир куни жабри тугаб хуммор келурму деб.

Бошим берк кўчага кирди, менга узлат фано бўлди,
Туну кун сажда қилсам зулфининг шони раво бўлди,
Мани охир унутти, дардига кутмоқ даво бўлди,
Висоли зорида тун кечалар оҳим сароб бўлди,
Ўтарман, дилга ёҳуд бир кун истиғфор келурму деб.

Тароватни табиат ундан ўрганмиш баҳор фасли,
Билолмасман, пари найкарму асли ё башар насли?
Тилаб ўтгум Нуриддин, қолмаса армон етиб васли
Қадалсун кўксума қош ёйидин мужгон ўқи, майли,
Талашгай жисму жон маҳшар куни, гулзор келурму деб.



МУСАББАЪ





* * *

Эй шоҳи латофат, назари сояйи давлат,
Эй юзлари нур, нозлари ишқ ичра нафосат,
Минг жилва била боқиши оламга саҳоват,
Ҳар сўзи гуҳар, лаъли Бадахшонга кифоят,
Кел қошима, жоним берайин қолмади тоқат,
Ҳай-ҳай, кўзи оҳу, қади шамшоди малоҳат!
Ваҳ-ваҳ, санамим васли хаёли ўзи роҳат!

Вей жон сувининг жавҳари, жонимга фароғат,
Босган изидан гуллар униб элда ривоит,
Мушки бўйидан Хўтани бозори ҳижолат,
Ранги чамани боғи Намангонга тароват,
Жаннат гулининг гунчаси, гулшанга назокат,
Ҳай-ҳай, кўзи оҳу, қади шамшоди малоҳат!
Ваҳ-ваҳ, санамим васли хаёли ўзи роҳат!

Эй, орази қалбим чамани тахтига султон,
Эй, тиллари бол, тишлари қўрғонида маржон,
Инжу сўзининг жилвасидан лаблари хандон,
Лутфи карами ошиғининг дардига дармон,
Васлинг кўчасида мени кўп айлама сарсон,
Ҳай-ҳай, кўзи оҳу, қади шамшоди малоҳат!
Ваҳ-ваҳ, санамим васли хаёли ўзи роҳат!

Сирли ниғаҳи тахти Сулаймонга шарофат,
Юз очса агар ғорати имонга надомат,
Кел оғушима, қийнама, йўқ сабру қаноат,
На сабру қаноат чидаёлмас сенга тоат,
Эй ёр, сени дер, ишқ эли то рўзи қиёмат,
Ҳай-ҳай, кўзи оҳу, қади шамшоди малоҳат!
Ваҳ-ваҳ, санамим васли хаёли ўзи роҳат!

Кўнглим қушининг хонишсан, шўҳи жаҳонсан,
Қалбим чечагин сарварисан, сарви равонсан,
Эй, суҳбати жоним озиғи, гунча даҳонсан,
Ишқ аҳли куяр, боқиши хуршиди тобонсан,
Эй мурчамисён, обиравон, офатижонсан,
Ҳай-ҳай, кўзи оҳу, қади шамшоди малоҳат!
Ваҳ-ваҳ, санамим васли хаёли ўзи роҳат!


Гоҳ куйдирибон, суйдирасан бу не синоат,
Гоҳ ўлдирибон, тиргузасан бу не каромат,
Исо нафасинг ошику шайдога ҳаловат,
Парвонасифат ёрингга қил лутфу иноят,
Қурбонинг ўлай, шамъи жамолинг на саодат,
Ҳай-ҳай, кўзи оҳу, қади шамшоди малоҳат!
Ваҳ-ваҳ, санамим васли хаёли ўзи роҳат!

Қултум сув олиб кафтида гар тутсаю жонён,
Бир хўплашима жазм этибон, дилбари хўбон.
Ёнган юрагим тафтини то босса нигорон,
Жононани бир қултум ила ютсаму шодон,
Оҳ-оҳ, ики оламда сира қолмаса армон
Ҳай-ҳай, кўзи оҳу, қади шамшоди малоҳат!
Ваҳ-ваҳ, санамим васли хаёли ўзи роҳат!

Зулфи сияҳи қоматига ёзмиш ажиб хат,
Кокиллари чун рақсга тушар турфа бағоят,
Киприк ўқи Нуриддинига тегди ниҳоят,
Эй қоши камон, ошиғингга шулми адолат,
Қалбимни яро этдингу, қолабни бетоқат.
Ҳай-ҳай, кўзи оҳу, қади шамшоди малоҳат!
Ваҳ-ваҳ, санамим васли хаёли ўзи роҳат!



MYCAMMAH



* * *

Ўтди умрим ҳажрида ул дилфигор келгайму деб,
Ўртаниб куйди таним кўзи хумор келгайму деб,
Айлабон садпора зору интизор келгайму деб,
Ақлу хушимни олиб, девонавор келгайму деб,
Бу чаманга зеб бўлиб мастонавор келгайму деб,
Ваъдасида устивору шоҳсувор келгайму деб,
Ё қулини банд этиб йўлига зор келгайму деб,
Бахтиёр этмак учун айлабки ёр келгайму деб.

Сарв қад, қоши қалам, кўзи қаросин айтайин,
Гунча лаб, ширин даҳан, кўнглим адосин айтайин,
Ишқида ёнган дилим минг бор гадосин айтайин,
Куйдириб чертганда соз не муддаосин айтайин?
Билмадим, қасдму менга ё ким давосин айтайин?
Жабрин агёр билмасун, ҳар дам вафосин айтайин,
Гар хатоси бўлса кечгум, дил ризосин айтайин,
Ҳажрида жўш урди қоним, лозазор келгайму деб.

Эй муғанний, тор аро боғлармусан дил шунчалик,
Битта ашъор куйида зорлармусан дил шунчалик,
Тинди руҳим қоврулиб соғлармусан дил шунчалик,
Ошиғингни кул қилиб доғлармусан дил шунчалик,
Мушкидин сармаст бўлиб, чоғлармусан дил шунчалик,
Васлидин айлаб йироқ, чорлармусан дил шунчалик,
Куйдириб хокистарим жойлармусан дил шунчалик,
Чектиму озор яна қутлуғ нигор келгайму деб.

Чарх уриб қушлар санам бошида эс олгусидур,
Эй фалак, ул дилрабо кўзга қачон илгусидур?
Ошиғим кўз косаси майга қачон тўлгусидур?
Бир боқиб, мужгон ўқи бағрим қачон тилгусидур?
Ким Нуриддин май ичиб, лабдин газак қилгусидур?
Нотавон бўлган бу жон тандин жудо бўлгусидур?
Майли кутгил, ҳажр аро минг бора қатл этгусидур,
Исои даврон бўлуб бир бора ёр келгайму деб.



РУБОЙЛАР





* * *

Сенсиз олам қародур, қаро кўз,
Сенсиз қалбим яродур, қаро кўз.
Боз сендаги сенни-ё, тополмай,
Умрим ўтиб бородур, қаро кўз.

* * *

Аёл ушлар дунё мувозанатин,
Ҳам аёл қилади остини устин.
Лек эркак зоти-чи, эркак елкада
Дунёни тутади мисоли ўстун.

* * *

Ҳар лаҳзада ошкорсен, сен ҳам пинҳон,
Бир қулингман ошиқ бўлдим беимқон.
Ҳидоят қил, ўзинг борсен бемакон,
Ҳар нарсага қодирсен, сен бегумон.

* * *

Мансур Ҳаллож дори бўлди бир зарранг,
Шоҳ Машрабнинг бори бўлди бир зарранг.
Балчиқ эдим, муҳр чекиб порлатдинг —
Ўз ишқингнинг зори бўлди бир зарранг.

* * *

Тошлар узра чечак очсанг, не ажаб?
Қоинотдан нурлар сочсанг, не ажаб?
Эл дардига ўзинг ошно қилдинг-ку,
Ер меҳрини менга берсанг, не ажаб?

* * *

Қаттиқ қизиб кетса агар, ҳатто кун,
Ортидан пасайиш кутилур бутун.
Тунни кундуз ютиб келур янги кун,
Сирри ниҳон ўзинг, ўзингда тугун.

* * *

Элга ҳар ким бош бўлғай, бўлмағай,
Бўлса, чин йўлдош бўлғай, бўлмағай.
Мансаб эрмас, имтиҳондур бу имкон —
Яхшилик қил, шош, бўлғай, бўлмағай.

* * *

Қуёшдек порлатиб яшнатгучи сен,
Ер билан яксону, қақшатгучи сен.
Фақат ўзингдадур тошу тарозу,
Яхшию ёмонни кўрсатгучи сен.

* * *

Пурвиқор тоғларда қорлар қалашар,
Шоҳимардон сойи оҳ уриб тошар.
Ажаб, юксакликдан бунча тўлғониб,
Ерни ўпмоқ учун бунчалар шошар?

* * *

Бир эшикда тўю, бирида аза,
Бир бирисидан олар андоза.
Бир эшикдан кириб, бир-бир чиқармиз,
Йўлимизда хиром айлар раққоса.

* * *

Тупроқдан бинога келган аслимиз,
Нурдан бино келган фариштамасмиз.
Сира ҳафа бўлма айрим одамдан, —
Девор ҳам аслида бизнинг наслимиз.

* * *

Ҳайрон қолдим фалакнинг гардишига,
Ақл ожиз яратганнинг ишига.
Неча ақллилар мендан паст, аммо
Йўлаб бўлмас неча аҳмоқ нишига.

* * *

"Нега оз қуясан, косани тўлдир," —
Дедим: "Ичсам ичай, маст бўлай охир".
"Имконият менда ва косада кўп, —
Жинни-пиннимисан, тўлдиргил ахир!"

* * *

Мен маст эдим, нега тўхтатдинг майни,
Яна эслагандим юзлари ойни?
Нечун кўк чой қуйиб, кайфим учирдинг,
Энди қайдан топай ундай худойни?

* * *

"Гугурт берайми," - дер исириқ олсам,
Майдан юз қизариб, роса сипқорсам.
"Исириқ ёқилмас, ташланар чўққа,
Оловга на ҳожат, ўзим чўғ бўлсам!"

* * *

ТҮРТЛИКЛАР

Тош тушади ерга қалтис, қанча баланд отмагин,
Қуш қанот-ла аста қўнар, парвозидан олиб тин.
Биру борим оёғимни ердан асло узмагин,
Юксакларга қўтарсанг ҳам қанотдан аюрмагин.

* * *

Йўлингга тўғри боқ, кеккаймагин бош,
Тақаббур, манманга бўлмагин йўлдош:
Унинг-чун икки йўл — ё тўғриланиш,
Ёки барбод бўлиш беролмайин дош.

* * *

Инсонлар бор мазҳаби тор, пулга ўлчар дунёни,
Айримлари ер эгаси, кенг даладир тўрт ёни.
Қай бириси танти деҳқон, бировидир таъмагир,
Аларнинг ҳеч бўш вақти йўқ, ортмас сира бир они.

* * *

Молу мулк талашиб, эй одамизот,
Нега қутурасан ит мисол, ҳайҳот!
Ҳаттоки итлар ҳам бизнинг замонда
Урушмасдан яшар, ахир бибисот.

* * *



ШЕЪРЛАР





* * *

ДЕНГИЗДАЙ ЧАЙҚАЛАР ҒАЛЛАЗОР*

Наманган тумани ғаллакорларига бағишлов

Денгиздай чайқалар бугун ғаллазор,
Ғаллазорни кўриб қилдим дифтихор,
Дунёда бундан ҳам завқли нима бор?
Бунда элу юртнинг ризқу рўзи бор,
Бугдойни етказган азиз ғаллакор,
Бир донни ҳам увол қилмайлик зинҳор.

Барака бир донда, дейди халқимиз,
Мўл ҳосилдан фахрлансак ҳақлимиз,
Ҳар гектардан хирмон уйдик саксон, юз,
Элга ибрат бўлдик, ёруғ бўлди юз.
Денгиздай чайқалар бугун ғаллазор,
Бир донни ҳам увол қилмайлик зинҳор.

Саксон, тўқсон центнер олинди ҳосил,
Бунда қандай сиру синоат бор бил,
Илму ҳикматларга амал қилдик бил,
Бундоғ йилни дерлар: "Дон йилидир, йил".
Денгиздай чайқалар бугун бугдойзор,
Бир донни ҳам увол қилмайлик зинҳор.

Эрга эккан улкан хирмон қиладир,
Кеч эккан-чи, доим армон қиладир,
Вақтида сув, озуқасин берганлар,
Ўйнаб-кулиб дуру гавҳар оладир.
Денгиздай чайқалар бугун бугдойзор,
Бир донни ҳам увол қилмайлик зинҳор.

Эъзозлаб ўстирдик сара донларни,
Ундан ёпинг гижда, ширмон нонларни,
Тўла-тўкис тузанг дастурхонларни,
Мақтайлик нон ёпган қиз-жувонларни.
Денгиздай чайқалар бугун ғаллазор,
Бир донни ҳам увол қилмайлик зинҳор.

Уйда дони борнинг айтгани кўшиқ,
Бугдойзорни кўриб бўлибман ошиқ,
Дон мўл бўлса кўнгилда қолмас ғашлик,
Бизнингча, бугдой ҳам энг гўзал маъшуқ.
Денгиздай чайқалар бугун бугдойзор,
Бир донни ҳам увол қилмайлик зинҳор.

"Крошка", "Умманка" яна "Бальтазар",
"Чиллаки" саксондан тўкибди гуҳар.
Хирмонлар уюлди Тиён-шон қадар,
Тоғки товланади бамисоли зар!
Денгиздай чайқалар бугун ғаллазор,
Бир донни ҳам увол қилмайлик зинҳор.

Бу ишларга бошдир ҳоким ҳар қачон,
Абдурахмон ўғли, бағри кенг инсон,
Туман аҳлин этиб бир тану бир жон,
Бир ёнда Тоштемир уради жавлон.
Денгиздай чайқалар бугун бугдойзор,
Бир донни ҳам увол қилмайлик зинҳор.

Мўл ҳосил олибди Элбек полвонлар,
Маматгани қучди шуҳрату шонлар,
Омон бўлсин Шавкатжондай деҳқонлар,
Шоирлари битар катта дostonлар.
Денгиздай чайқалар бугун ғаллазор,
Бир донни ҳам увол қилмайлик зинҳор.

*.-Бағишлов дадам Уктам Мирзо билан биргаликда ёзилган.
2002 йил, июнь

БОҒИ БОБУРДА

Олам аҳли айтур роз Андижоним,
Сўзи қалам бирла рост Андижоним,
Бобур пойи етган қутлуғ маконим,
Бугун қучоғингга тўлғони келдик,
Мирзо изларидан юргони келдик...

Бобурим, матлабинг улуғвор бўлди,
Соҳибқирон бобонг мадакдор бўлди,
Ҳазрат Алишернинг руҳи ёр бўлди
Анда жонинг охир Андижон бўлди
Аждодларинг бугун комрон бўлди...

На қисмат бу Самарқандга сигмадинг,
Тошкенту Андижон, Ўшда йиғладинг,
Афғон, Панипатда бағринг тигладинг,
Ҳижрон азобига ўзни чоғладинг,
Юртингни ёд этиб, дилда йўқладинг...

Субҳидам хокингни этиб зиёрат
Аждодлар руҳига қилдик тиловат.
Эзгу тилакларни айлаб ижобат
Ўзинг даргоҳингда қабул эттил ёр,
Ўзинг қодир, ўзинг раҳмон бирубор.



* — Агра ва Қобулдаги мақбараларидан хоки олиб келиниб, Бобурнинг рамзий қabri тикланган кун ёзилди.

* * *

ТОШБУЛОҚНИНГ ДАРВОЗАСИ

Ясанибди шаҳрим, чорлар остонаси,
Турфа гуллар камолининг нишонаси,
Ой жамоли ошиқ қалблар сўзонаси,
Тошбулоқнинг кетди бугун овозаси,
Меҳмонига очиқ доим дарвозаси.

Деҳқонлари бол ундирар, хирмон тўлар,
Барнолари ёр куксига ўтлар қалар,
Бир келганлар шайдо бўлиб яна келар,
Тошбулоқнинг кетди бугун овозаси,
Дўстларига очиқ доим дарвозаси.

Одамлари жилосиму, зиёсиму?
Дил яйратар баёзиму, навосиму?
Қалам ожиз қандай ёзай қиёсими?
Тошбулоқнинг кетди бугун овозаси,
Меҳмонига очиқ доим дарвозаси.

Айтолмаган қўшиқларим сенга айтай,
Гуллар терай, қучиб ўтай, меҳрим тугай,
Куз тегмасин, мадҳинг битай, пойинг ушай,
Тошбулоқнинг кетди бугун овозаси,
Дўстларига очиқ доим дарвозаси.

* * *

... га

Нега бурним қонатдинг,
Оғзим ошга етганда?
Бағрим кабоб айладинг,
Тилка-тилка бўлганда.

Тилка қилсанг розиман .
Руҳим сенда макондир.
Кабоб этиб нетарсан?
Ишқ асли жовидондир.

Сенга тикдим ўзимни,
Сўзимни, ризқ-рўзимни,
Итоатли кўзимни,
Тоатингга юзимни.

Қадамларинг муборак
Ёринг бўлиш чўнг орзум.
Ишқ ганжи аро лак-лак
Инжу сенсану ўзим.

Қандоқ чидай аламга
Сендан айру нетарман?
Ўн саккиз минг оламга
Ҳатто сигмай кетарман.

Чок-чокидан сўкилган
Сўзона кимга керак?
Кўзларига илмаган
Жонгинам, бергин дарак?

Ўтган кунлар тизилди
Лахта қонлар ютганда.
Юрак-бағрим эзилди
Пора-пора этганда.



ШОҲИМАРДОН

Пурвиқор тоғларнинг қорлари эриб
Кўк Кўлда мавжланар рангин пиёла.
Ястанган водийга бағрини бериб
Поёндоз тўшайди қирмизи лола.

Мисоли ишқида маст бўлган ошиқ
Жилваланиб оқар Шоҳимардонсой.
Мажнундек Лайлонинг васлига маъшуқ
Девонавор шошар гўё асов той.

Ҳаёт бахш этади ўрмалаб, чопиб,
Бол эмиза бошлар мевали боғлар.
Муродига етар тупроқни қучиб
Либосга бурканар далалар, тоғлар.

Димоққа муаттар ҳидлар таратиб
Уфурар гулшанда анвойи гуллар.
Нурафшон тонгида дилни яйратиб,
Васфини куйлайди ошиқ булбуллар.

Ўзининг меҳридан ийиб ҳар куни
Кўнгулнинг жомиди кезади боқий.
Кўли Куббонига муҳраб уни
Ўлчаб косасидан сузади соқий!

Уни ўз меҳрила музлик қаъридан,
Қорлардан эритган Куёш эмасми?
Жомини тўлдириб ирмоқларидан
Ўйнатган, яшнатган Куёш эмасми?

Сочларни сийпалаб заррин нуридан
Оширган, тоширган Қуёш эди-ку.
Гоҳида маст қилиб ишқ суруридан
Чулғатган, тўлғатган Қуёш эди-ку!

Ҳаёт бахш этгани тоғлардан ортиб
Гулларми, қушларнинг хонишиму ё?
Тупроққа етгани япроқдан тортиб,
Ташна юракларнинг қонишиму ё?

Шоирлар ашъори, илҳом париси,
Сўзона қалбларнинг боқишиму у?
Муғанний созининг баланд пардаси,
Наргисий кўзларнинг ёқишиму у?

Осмонларга учар парга жойланиб,
Босган изларидан босар бетиним.
Нимани қидирар қорга айланиб,
Улуғвор тоғлардан топади кўним.

Баланд - баландлардан оқса қанчалик
Ҳазрат Али пойи узра шошдиму?
Ерданлигини кашф этиб, шунчалик
Қирғоқларга бошин уриб тошдиму?

Гуноҳ ювмоққа му тошлардан ошар,
Девонавор тошар излаб васлини?
Юксакликлар қолиб ерни талашар,
Ерни тавоф этар қўмсаб аслини.

Нурингни аяма ўзинг илоҳим,
Меҳринг дариг тутма меҳрибон Оллоҳ!
Ўзингга осону бизларга қийин.
Шоҳимардонингни асра худойим.

1998 йил.

* * *

ҚОШИНГНИ ЧИМИРМА

Кеча ҳафа кўрдим, қошинг чимрилган
Шу онда вужудим қоплади булут.
Бугун ҳадя этган табассумингдан
Дилбар кўнглим ёруғ, ҳаммаси унут.

Раво кўрмадинг ҳеч менга ёмонлик,
Майли, раво кўрма яхшиликни ҳам.
Майли, бир умрга шундай ўтайлик,
Қошинг чимирмасанг, шод бўлсанг ҳар дам.



ШУНДАЙ ҚУВОНДИМКИ..

Сочма

Шундай қувондимки,
қўлин ушлагач, —
Сўрашиш бахтига
Муяссар бўлдим!
Гўё хаёлимда
юрагим урарди
дақиқада юз,
Ўша лаҳзадан
Ҳаётимда қолди
ёрқин, ўчмас из,
Оҳ! Ундан кейин
Аста-секин мен
Бутун вужудим-ла,
хароратим-ла
Тутдим қўлини
Ва шунда билдим —
Уники ҳам каммас
менинг юрагим
уришларидан!
Кўзига қарадим
пайтини пойлаб,
(Ён-вердагилардан эҳтиёт бўлиб) —
Кўзимиз тўқнашди.
Кўзлари ёниб,
Қараб турарди у
менинг кўзимга.
Киприги пириллар,
Юзи ловуллар
ва ажиб бир иффат
сезилар эди.
Ҳаяжонланарди,
ҳаяжонини
яшира олмасди
Менинг сингари.
Шундай қувондимки,
қўлин ушлагач...

* * *

ҚАМЧИҚ ТАРОНАСИ

Водий оша Тошкент томон тушса йўлим,
Улуғ йўлда кўнглим тўлиб яйрар дилим,
Мадҳ этгали лолдир қалам. лолдир тилим
Бургутлари, лочинлари азиз элим,
Ширмон юзли деҳқонлари лазиз элим.

Қорли тоғлар ипак йўлга зеб бўлибдур,
Сарбонларинг тоғ остидан йўл солибдур,
Минг офарин, юртбошинг ҳам хуш келибдур,
Бургутлари, лочинлари азиз элим,
Ширмон юзли деҳқонлари лазиз элим.

Мингтепалар олтин водий бешиги-ей,
Ўзбек ери шарку ғарбнинг эшиги-ей,
Ақл ожиз яратганнинг ишига-ей,
Бургутлари, лочинлари азиз элим,
Ширмон юзли деҳқонлари лазиз элим.

Қарвон келар Попнинг полук қизларига,
Ўш, Марғилон садқа ширин сўзларига,
Ошиқлари сажда қилар ўзларига,
Бургутлари, лочинлари азиз элим,
Ширмон юзли деҳқонлари лазиз элим.

Попнинг ипак йўлларидан юргим келар,
Мушки Хўтан, Ҳинд шамолин туйгим келар,
Бобурларинг изларини суйгим келар,
Бургутлари, лочинлари азиз элим,
Ширмон юзли деҳқонлари лазиз элим.

Водийларинг қалба гурур, завқ оширар,
Юрт васфини куйламоққа қон жўш урар,
Қояларинг билмам қандай сир яширар?
Бургутлари, лочинлари азиз элим,
Ширмон юзли деҳқонлари лазиз элим.

Хур диёрим тоғларингга кўз тегмасин,
Жаннатмакон боғларингга кўз тегмасин,
Кун талашган чоғларингга кўз тегмасин,
Бургутлари, лочинлари азиз элим,
Ширмон юзли деҳқонлари лазиз элим.

* * *

Мени ҳар кун уни кўргим келади,
Унинг-ла доимо бўлгим келади.
Гулим очса менга кўнглини бир дам,
Кўлин олиб юзим суртгим келади.

Нетай, гул юзлигим сўрмас ҳолимни,
Не сўрмаским, писанд қилмас ҳолимни.
Магар ул айтса бир оғиз ширин сўз,
Қилай қурбон танимни ҳам жонимни.



МЕНИНГ ҚАЛБИМДА ҲАМ

Менинг қалбимда ҳам севги ўти бор
Шунинг-чун дўстгинам, безовтаман мен.
Ташнадурман, фақат ўша гул даркор,
Лек унинг наздида бегонаман мен.

Тун бўйи ўйлайман, тушлар кўраман
Кўёш юзли дилбар тинчитмас мени.
Хаёл кўзгусида бирга юраман,
Бирдан уйғонаман: "Дилтортар қани?"

Кунчеҳрани доим кўрган ҳамоно
Тилим лол бўлубон, кўзим қамашар.
Ўзинг паноҳингда асрагил ёро,
Вужудимга ўтлар лов-лов қалашар.

Уни ҳар куни кўргум, яқин юрагим,
Аммо мени қийнар бир телба фироқ,
Айламас менга у ҳатто такаллум,
Ўзин доим мендан тутади йироқ.

Эй, чарос кўзлим менга бу қадар
Азоб беришингнинг боиси нима?
Гиналарингни қўй, бас энди етар,
Токи бизнинг севги қилсин тантана!

Энг яқин тутганим ўзинг кўнглимга,
Хоҳ сев, хоҳ севма зўрлаёлмайман.
Лекин юрагим бир бу юрагимга
Бошқа муҳаббатни сифдиrolмайман.

Менинг қалбимда ҳам севги ўти бор...

"БЕШ КУНЛИК ЎТАР ДУНЁГА" ...

Бобур Мирзодан

Ҳасад тўлқинлари қайга урмайди,
Кимларни парчалаб, кимни кишанлаб.
Ҳазон қолади-ю зилол турмайди,
Ўтади ҳаттоки фозилни четлаб.
Лекин вақтинчадир умри ҳамиша
Қил устида турар бўлиб хонумон,
Қила олур фақат зулматда пеша
Кўршапалак ахир, ҳукмин бегумон.
Бироқ, қайтарилмас кишининг умрин
Сокин ҳаётига раҳна солганин
Унутиб бўларми,
Ҳайҳот! Наҳотки
Зулмат яхшини ҳам кўра олмади.
Мирзо Улугбекдек табаррук зотки
Фитналар тиғидан омон қолмади.
Абдуллатиф отлиқ малъун қўзини
Қаратдилар жирканч ҳасал тўрига.
Тиқди ҳасадчилар унинг ўзини
Олти ой ўтмасдан валеқ гўрига.
"Нечун раҳна солди гул ҳаётига", —
Кўз юмарда ўйлар, - "Нечун сўлдирди?"
"Беш кунлик ўтар дунёга
Ўшандоғ отасини ўлдирди" —
Нечун,
Илинди у ҳасад домига?!..

ЁШЛИК

Кўшиқ

Ёшлик гўзал, ёшлик бегубор
Баҳор ҳидин урар димоққа.
Бу чоғларда кўп ҳислатлар бор —
Севги торларини боғловчи,
Юракларни жигиллатувчи,
Ёноқларни ловуллаговчи...
Бизнинг айна мана шундай пайт,
Севасанми, севмайсанми айт?

Ёрни севмоқ - ҳаётни севмоқ,
Бўлмас ахир севгисиз ҳаёт.
Дил сўзларин ифода этмоқ —
Чин муҳаббат нишонаси бу,
Изтироблар остонаси бу,
Ошиқликнинг кошонаси бу.
Бизнинг айна мана шундай пайт,
Севасанми, севмайсанми айт?

Атаб эккан гуллардан тердим,
Гул садоқат, вафо рамзидир.
Равза гулин сенга атадим —
Бамисоли гулдек боқасан,
Фақат ўзинг менга ёқасан,
Иффат гулин юзга тоқасан.
Гулим бизнинг айна, шундай пайт,
Чўчмасдан дилингдагин айт.

НАМАНГОН АҲЛИГА АЙТИНГ ШАРАФ-ШОН*

Туман пахтакорларининг меҳнат галабасига бағишлов

Мустақил Ватанда бордир бир бўстон,
Азалдан дунёга довруғи доғстон.
Пахтадан, ғалладан машҳури жаҳон,
Бугун яна ғолиб пахтакор деҳқон,
Ҳар жабҳада илғор гўзал Намангон,
Намангон аҳлига айтинг шараф-шон!

Кувончимиз чексиз йўлчи юлдузим,
Режани бажариб, бурродир сўзим,
Ёру-дўстлар ичра ёруғдир юзим,
Сен билан ободдур кеча-кундузим,
Ҳар жабҳада илғор бизнинг Намангон,
Намангон аҳлига айтинг шараф-шон!

Қадам ташлар доим салобат билан,
Соҳиби истеъдод камолат билан,
Шухрат қозонибдур шижоат билан,
Айни шу кунларда саодат билан,
Мард пахтакор бизнинг гўзал Намангон,
Намангон аҳлига айтинг шараф-шон!


Деҳқон пири дедик Раҳматовларни,
Асқароваларни, Маллабоевни,
Мирзахўжасва, Жўраевларни,
Абдуллаевларни, Халиловларни,
Шухрати таралган гўзал бу бўстон,
Намангон аҳлига айтинг шараф-шон!

Бугун "Ижодкор"лар юртимда бисёр,
"Туркистон" чўққини забт этди такрор,
"Ҳонобод", "Файрат"га доим омад ёр.
Пичоғи мой "Зарбдор" у, "Навбаҳор",
Бунда "Турсунов"нинг ўзи бир жаҳон,
Намангон аҳлига айтинг шараф-шон!

Фермерлардир туманда катта карвон,
"Шаҳрибону", "Ниёзмирза" қучди шон,
Раҳмат сизга "Долим ота", "Султонхон",
"Жўрабек" бир томон, "Сайхун" бир томон.
Ҳар жабҳада илғор бизнинг Намангон,
Намангон аҳлига айтинг шараф-шон!

Бир-биримиз қутлаш азалий одат,
Юзни ёруғ қилган деҳқонга раҳмат,
Асло кам бўлмасин голиб, азамат,
Тилаймиз Сизларга бахту-саодат,
Мард пахтакор бизнинг гўзал Намангон,
Намангон аҳлига айтинг шараф-шон!

2002 йил



*—Бағишлов дадам Ўктам Мирзо билан
ҳамкорликда ёзилган

ШҮРҚҮРҒОН ҚҰШИҒИ

туркумдан парча

Гирдо-гирди боғу бўстон Шўрқўрғон,
Танга ором, дилга дармон Шўрқўрғон,
Меҳмонига жони қурбон Шўрқўрғон,
Меҳрим ортар сирли макон Шўрқўрғон,
Замон-замон, доруломон Шўрқўрғон.

Ота-боболарим пойини ўпган,
Хатто бўйра тўқиб кунлари ўтган,
Муқаддас тупроғин кўзига суртган,
Дарё, сойларидан кўнгил суя ичган,
Оҳанграбо бир гулистон Шўрқўрғон.

Йигитлари кураш тушиб толмаган,
Тегирмон новидан шўнғиб ўлмаган,
Гар дўпписи тушса бекор олмаган,
Аммо дўстларига юкин солмаган,
Дард қолмаган, бағри осмон Шўрқўрғон.

Содиқ полвонлари Бобурга ёққан,
Ўт келса ўмарган, гуркираб оққан,
Ҳар ишда ғолиблик нишонин тоққан,
Барчасини онаси битта туққан*,
Омад боққан, марду майдон Шўрқўрғон.

*— Ота-боболаримиздан: “Бир кунда туғилган шўрқўрғонлик”, деган ибора юради.

Талатўпда улоқларни ўнгарган,
Худоёрнинг полвонини синдирган,
Пешонага дўпписини қўндирган,
Ҳофизлари қўшиғини тиндирган,
Дил яйраган жаннатмакон Шўркўрғон.

Беданаю булбуллари сайраган,
Овчилари балиқ билан сийлаган,
Қовун, тарвuzидан тананг яйраган,
Келган одам қолишини ўйлаган,
Зар ундирган танти деҳқон Шўркўрғон.

Топганини дўсту ёрга беришган,
Бир майизни бутун қишлоқ бўлишган,
Йигитлари Алпомишдай келишган,
Барнолари Ойбарчиндай тўлишган,
Ой талашган моҳитобон Шўркўрғон.

Намангоннинг Чорсусидан келган дам,
Тўйларида ғазал айтган Машраб ҳам,
Кемачилар тўхтамасга смай гам,
Салласида сузиб кетган дамодам.*
Қалби дарё, сирли макон Шўркўрғон.

Тошмат мерганлари бир умр кутган,
Бир келган меҳмони бир ойла кетган,
Бири балиқ тутиб, бири қуш отган,
Меҳмонни кузатиб "Лоладан" ўтган,
Меҳмонига жони қурбон Шўркўрғон.

* — ривоятлари қарғанда Машраб бувам саллаларида Маржон ва Хандон исмли итлари ҳамда эшаклари билан Шўркўрғон орқали Сирдарёдан Балиқчи томонга сузиб ўтганлар.

Ҳокандазон, ҳашарлари ярашган,
Битта уйни бир ҳафтада қуришган,
Йўриғида бор-будини беришган,
Маърақага новвойдан нон талашган,*
Ҳотам Той ҳам лолу ҳайрон Шўркўрғон.

Кексаси ош ошаб муродга етган,
Олтин олма, дуо ол деб панд этган,
Эзгулик мевасин басма-бас тотган,
Ўктам Мирзо "Наманганнома" битган,
Тарихи ҳам катта достон Шўркўрғон.

Норин билан Қорадарё чопишган,
Неча тоғдан ошиб келиб топишган,
Ошиқ-маъшуқ янглиғ бунда ёпишган,
Муҳаббатли Сайхун бўлиб оқишган,
Дарёсидек тўлиб тошган Шўркўрғон.

Кўз қувнатар, дилни тортар зиёси,
Мафтуниман йўқ таърифин адоси,
Қалам ожиз тополмайин қиёсин,
Лекин аён фарзандинг муддаоси,
Кўз тегмасин, бўлсин омон Шўркўрғон.

Яшнаб тур ҳамиша эй жонажоним,
Гуллаган гулзорим — Ўзбекистоним,
Мудом хазон бўлма гул Намангоним,
Бир гунчанг қишлоғим, ёруғ осмоним,
Келди очилмоққа замон Шўркўрғон.

* — Қишлоқда маъракаларда фотиҳага борилганда азалдан ҳар бир эркакнинг туғун кўтариб бориши расм бўлган.

МУНДАРИЖА

<i>Дебача (Қаламга)</i>	3
<i>Қасида</i>	5
<i>Ғазаллар</i>	7
<i>Мустазодлар</i>	33
<i>Мураббаълар</i>	37
<i>Мухаммаслар</i>	43
<i>Мусаббаъ</i>	49
<i>Мусамман</i>	53
<i>Рубоийлар</i>	55
<i>Шеърлар</i>	61
<i>Денгиздай чайқалар ғаллазор</i>	63
<i>Бови Бобурда</i>	65
<i>Тошбулоқнинг дарвозаси</i>	66
<i>... га</i>	67
<i>Шоҳимардон</i>	69
<i>Қошингни чимирма</i>	71
<i>Шундай қувондимки...</i>	72
<i>Қамчиқ таранаси</i>	73
<i>Менинг қалбимда ҳам</i>	75
<i>'Беш кунлик ўтар дунёга'</i>	76
<i>Ёшлик</i>	77
<i>Намангон аҳлига айтинг шараф-шон</i>	78
<i>Шўрқўрагон қўшиғи (туркумдан парча)</i>	80
<i>Мундарижа</i>	83

Адабий-бадий нашр

**НУРИДДИН
ЎКТАМ**

(Нуриддин БОБОНАЗАРОВ)

ПАЙВАНДИ ЖОНИМ КЕЛДИЛАР



**(Қасида, ғазаллар, мустазодлар,
мураббаълар, мухаммаслар,
мусаббаъ, мусамман, рубойлар, шеърлар)**

Мухаррир: Абдулла ЖАББОР
Мусаввир: Аҳадхон ДАДАБОЕВ
Бадий муҳаррир: Жамолхон АЗИМБОЕВ
Тех. муҳаррир: Шухратжон МАМАЖОНОВ
Мусаҳҳиҳ: Санобар БОБОНАЗАРОВА.

2003 йил 2.09 да теришга берилди. 2003 й. 19.09 да босишга рухсат этилди. Офсет усули. Газета қоғози. Бичими 60/84 1/16. Ҳажми 5,25 босма табоқ.

Адади 10000 нусха. 6160-буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

Наманган вилоят Ибрат номли босмахонасида чоп этилди.
Наманган ш. Навоий кўчаси, 36-уй.